

таъминланишига ва кейинги йилларда ҳам иқтисодий ўсиш суръатларини янада жадаллашиб боришига замин яратилади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил 29 декабрь.

2. Режим доступа: [www.namstat.uz](http://www.namstat.uz)

*А.Р. Бозоров*

Тошкент молия институти мустақил изланувчиси

*Р.Б. Исмоилов, А. Мамадалиев, Ш.З. Мухитдинов*

Наманган муҳандислик-технология институти

## **COVID-19 ПАНДЕМИЯСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ТАЪМИНОТ ЗАНЖИРИГА ТАЪСИРИ**

***Аннотация.** Мазкур мақолада COVID-19 пандемиясининг Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги соҳаси ва озиқ-овқат таъминоти занжирининг таъсири, истеъмолчиларнинг озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжини қондиришда эпидемия, пандемия ва карантин вақтларда ички ва ташқи бозорларни озиқ-овқат таъминоти билан тامينлашда қўлланиши керак бўлган зарурий чоралар кўриш бўйича назарий жиҳатлар ёритилган. Шунингдек мақолада иқтисодиётда инновацион технологияларни жорий этиш талабига мувофиқ таъминот занжирларини таъминлашда ишлаб чиқарувчи корхоналарни рақамлаштириш орқали трансформация жараёнларини кенг тадбиқ этиш бўйича керакли тавсиялар ишлаб чиқилган.*

***Калит сўзлар.** COVID-19, пандемия, озиқ-овқат саноати, таъминот занжири, трансформация, ақилли завод.*

*А.Р. Бозоров*

Ташкентский финансовый институт

*Р.Б. Исмоилов, А. Мамадалиев, Ш.З. Мухитдинов*

Наманганский инженерно-технологический институт

## **ВЛИЯНИЕ ПАНДЕМИИ COVID-19 НА СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫЙ СЕКТОР УЗБЕКИСТАНА И ЕГО ЦЕПОЧКУ ПОСТАВОК**

**Аннотация.** В этой статье обсуждается влияние пандемии COVID-19 на сельскохозяйственный сектор и цепочку поставок продуктов питания в Узбекистане, необходимые меры, которые необходимо принять для обеспечения продуктами питания на внутреннем и внешнем рынках во время эпидемий, пандемий и карантинных мер для удовлетворения потребностей потребителей в пищевых продуктах. Рассмотрены теоретические аспекты. В статье также разработаны необходимые рекомендации по повсеместному внедрению трансформационных процессов за счет цифровизации производственных предприятий в цепочке поставок в соответствии с требованиями внедрения инновационных технологий в экономику.

**Ключевые слова:** COVID-19, пандемия, пищевая промышленность, цепочка поставок, трансформация, умная фабрика.

### **COVID-19 PANDEMIA IN UZBEKISTAN AGRICULTURE AND ITS IMPACT ON THE SUPPLY CHAIN**

**Annotation.** This article describes the impact of the COVID-19 pandemic on the agricultural sector and food supply chain in Uzbekistan, theoretical aspects of the necessary measures to be taken to provide food to the domestic and foreign markets during epidemics, pandemics and quarantines. The article also provides the necessary recommendations for the widespread implementation of transformation processes through the digitalization of manufacturing enterprises while ensuring supply chains in accordance with the introduction of innovative technologies into the economy.

**Keywords:** COVID-19, pandemic, food industry, supply chain, transformation, smart factories.

Қишлоқ хўжалиги аҳолини озиқ-овқат билан таъминлашга қаратилган тармоқ ҳисобланиб мазкур соҳа иқтисодийнинг бошқа соҳалари ҳамда саноат учун хом-ашё олишда ҳам ўз фаолияти билан ажралиб туради. Шунингдек, мамлакатларда ялпи ички маҳсулотни хажмининг тенг ярми қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат саноати маҳсулотларига тўғри келади.

Қишлоқ хўжалиги муҳим иқтисодий фаолият турларидан бири бўлиб, у озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва аҳоли даромадларни доимий равишда таъминлашда муҳим рол ўйнайди.

Коронавирус инфекциясининг қисқа муддат ичида глобал миқёсда тарқалиши ва COVID-19 пандемия сабаб деярли барча мамлакатлардаги ижтимоий-иқтисодий ҳолатнинг ёмонлашувига олиб келди. Бу албатда йирик ва кичик бизнес, саноат, хизмат кўрсатиш импорт ва экспорт амалиётлари қаторида қишлоқ хўжалиги соҳасига

ва озиқ-овқатга бўлган талаб ва таклифнинг муҳим элементларига ўз таъсирни ўтказди.

Глобал озиқ-овқат таъминоти занжирларини барқарорлаштириш ва пандемиянинг бутун озиқ-овқат тизимига таъсирини камайтириш учун тезкор чоралар кўрилиши натижасида озиқ-овқат инқирозини олдини олишга эришилди дейишимиз мумкин. Мамлакатимизда “Коронавирус пандемияси даврида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш, қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорини қабул қилиниши озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳасини барқарорлигини таъминлашга қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини таъминот занжирини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда [1].

COVID-19 пандемияси даврида мамлакатларда жорий этилган карантин чоралари тўғрисида қишлоқ хўжалиги иқтисодиётининг асосан озиқ-овқат таъминотида маҳаллий узилишлар ва ички бозорларда озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш тизимларига ҳамда логистика фаолиятига салбий таъсир этди [2].

Қишлоқ хўжалигининг озиқ-овқат таъминоти занжири ва унга таъсири ҳақида россиялик олимлар П. П. Крылатков, М. А. Прилуцкаялар “Таъминот занжири - бу маҳсулотларнинг, хизматларнинг ташқи ва ички оқимларида бевосита иштирок этадиган уч ёки ундан ортиқ иқтисодий бирликлар (ташкilotлар ёки шахслар); молия ёки манбадан истеъмолчига маълумотдир” дея таъриф келтирган [3].

Россиялик олимлар А.Н.Трифунтов ва В.И.Маргуновалар “Таъминот занжири - бу бирламчи хом ашёни биргаликда қайта ишлайдиган ва ундан якуний фойдаланувчи томонидан баҳоланадиган тайёр маҳсулотни оладиган шерик ташкilotлар тармоғи. Бу бошланғич даражадаги етказиб берувчилардан охириги фойдаланувчига материалларни кўчириш жараёнида иштирок этадиган бир қатор ташкилий тадбирлардан иборат” деган таъриф келтирган. [4].

Испаниялик олим М.Мау (M.Mau) ўз тадқиқотида “Иш самарадорлигини ошириш, харажатларни пасайтириш ва сифат контексти таъминот занжирини оптималлаштиришга олиб келиши” ҳақида келтирган [5].

Республикамизда фаолият юритаётган илмий тадқиқотчи Б.Толипова “Давлат инфратузилма, тарнспорт, қайта ишлаш саноати, қадоқлаш саноатини кенгайтириш ва ривожлантириш учун ички инвестициялар, субсидиялар, инқирозга қарши тузилган жамғармалар, солиқ ва кредит каникулларини тақдим этган ҳолда фермерларни тўғридан-тўғри қўллаб-қувватлаши орқали озиқ-овқат исроф бўлишини камайтиришга эришилади” дея тариф келтирган [6].

Юқоридаги турли манбалардан келтирилган таҳлиллар шуни кўрсатадики, озиқ-овқат таъминоти занжирини кризис, пандемия ва эпидемиологик вазиятларда самарадорлигини оширишда самарали ечимлар ишлаб чиқиш зарур.

COVID-19 пандемияси жуда тез фурсатда будун дунёга тарқалиши оқибатида мамлакатларда инсонлар ўртасида касалликни олдини олиш ва унинг тарқалишига қарши курашишда энг яхши усул бу карантин чораларини жорий этиш ва инсонларни ўзаро ижтимоий алоқаларини чеклаш ҳисобланди. Карантин чекловлари жорий қилиш натижасида инсонларнинг моддий эҳтиёжларини қондиришда бир мунча чекловлар қўйилишига сабаб бўлади. Фақатгина зарур ҳолларда ҳар бир оила учун керакли озиқ-овқат ва дори-дармон учун яшаш ҳудудидан узоқ бўлмаган озиқ-овқат дўкони ва дорихоналарга белгиланган талаб ва тартиб асосида уйдан чиқиш имкони берилди. Савдо, майиший, кўнгилочар масканлар, буюм бозорлари иш фаолият юритишдан тўхтатилди. Бу ўз навбатида озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш ва қайта ишлаш, экспорт қилиш каби масалаларга жиддий таъсир кўрсатади.

Бироқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини пандемия даври ҳукумронлик қилганда ҳам ўзининг иқтисодий ўсишига эришди (1-жадвал).

1-жадвал

Қишлоқ хўжалигининг асосий кўрсаткичлари


Номи	2019	2020	2019 йилга нисбатан фоизда
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари млрд, сўм. (Шу жумладан)	216283,1	249754,5	115,5
Дехқончиликда	111904,8	123556	110,4
Чорвачилиқда	104378,3	126198,5	120,9
<b>Етиштирилган маҳсулот (минг тонна)</b>			
Дон ва дуккакли экинлар	7437,8	7566,6	101,7
Картошка	3089,7	3143,5	101,7
Сабзавотлар (жами)	10215,1	10459,5	102,4
Мевалар ва резаворлар	2752,7	2864	104,0
Гўшт тирик вазинда	2 473,60	2 526,20	102,1

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики 2020 йилда Ўзбекистон Республикасида бўлиб ўтган пандемия даврида қишлоқ хўжалигининг иқтисодий кўрсаткичларининг ўсиш суратларида деярли таъсир этмаган. Қишлоқ хўжалиги

маҳсулотларидан келиб тушган маблағ 2019 йилга нисбатан 2020 йилда 115,5 фоизга ошганлигини кўрсатмоқда.

Сўнгги йилларда озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш ҳажмларини кўпайтириш орқали ички бозорни сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш ҳамда мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида экин майдонлари сезиларли даражада кенгайтирилди. Шунингдек, туманларни мева-сабзавотчиликка ихтисослаштириш, маҳсулот етиштирувчиларни мева-сабзавотчилик кластерлари ҳамда кооперацияларга бирлаштириш каби амалий чоралар кўрилмоқда.

Бироқ тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган ва қайта ишланган маҳсулотни экспортдаги улушига пандемия ўз таъсирини кўрсатган (1-расм).



1-расм. Тадбиркорликда экспорт улушининг тенденцияси

Тадбиркорликнинг экспортдаги улуши 2019 йилда 27,0 фоизни ташкил этган бўлса, 2020 йилда эса бу кўрсаткич 20,5 фоизни ташкил этмоқда. Бу ўз навбати тадбиркорлик субъектикага ўзаро алоқадор бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлар экспортида таъминот занжирига ўз таъсирини эга эканлигидан далолатдир.

Иқтисодий ислохотлар натижасида ҳар бир соҳа тартибга солиниб, назорат олиб борилиши натижасида бошқа омиллар қатори озиқ-овқатлар нобут бўлишини олдини олиш бўйича ҳам самарали фаолият йўлга қўйилган. Озиқ-овқат нобутгарчилигини олдини олишда БМТнинг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (FAO) доимий изланиш олиб бориб ўзининг амалий тавсияларини кенг баён этмоқда. Бу масалаларда озиқ-овқат исроф бўлишининг глобал индекси (GFLI) ишлаб чиқилиб амалиётга жорий этилган. Ушбу индекснинг мақсади йўқотишлар ва таъминот занжирларни мустаҳкамлашда ижобий ва салбий тенденциясини ўтган йиллардагилари билан солиштириш имконини бериш ҳамда озиқ-овқат

маҳсулотларининг исроф бўлишига қарши самарадорликни оширувчи тенденциялар таҳлили орқали назорат этишга ёрдам беришдир.

Таъминот занжирлари таркиби доимий равишда такомиллашиб боришига қарамай, улар ташқи таъсирга дуч келмоқдалар. Мумкин бўлган узилишлар сони, хатолар чегараси камайганлиги ва хавфсизлик чегаралари паст бўлганлиги сабабли, кўплаб етказиб бериш занжирлари заифроқ бўлиб қолди. COVID-19 инқирози барча босқичларни ягона марказлашган жараёнга бирлаштириш орқали таъминот занжирларининг мустаҳкамлиги ва барқарорлигини таъминлаш зарурлигини кўрсатди.

Озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бериш занжири беш босқичга бўлиниши мумкин, жумладан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, теримдан кейин ишлов бериш, қайта ишлаш, тарқатиш, чакана хизмат, хизмат ва истеъмол. Озиқ-овқат таъминоти занжирида озиқ-овқат сифати ва хавфсизлиги бўйича иккита тизим қўлланилади. Биринчиси, давлат идоралари томонидан текшириладиган мажбурий стандартлардан фойдаланадиган қоидалар ва қонунларга асосланади. Иккинчиси бозор қонунлари ёки халқаро бирлашмалар томонидан белгиланган ихтиёрий стандартларга асосланади. Умуман олганда ҳар қандай соҳада таъминот занжирларини узлуксизлигини таъминлашда рақамли технологиялар қўллаш орқали соҳада инновацион ривожланишини таъминлашга ва таъминот тизимларини узлуксизлиги таъминлашга эришиш мумкин.

Кўплаб мамлакатларда ишлаб чиқарувчилар таъминот занжири бўйлаб шаффофликни таъминлашга имкон берадиган ечимларни аллақачон амалга оширган. Бугунги кунда республикамизда ақлли завод ечимларидан фойдаланишга ўтиш лозим. Масалан, ақлли завод ва фабрикалар интернет орқали ускуналарни бошқариш технологиясини қўллаб-қувватлайдиган тизимлар, ечимлар ва техник хизматларни тақдим этиши мумкин. Бу рақамли трансформация доирасида янада оқилона, янада яхлит ва автоматлаштирилган фабрикаларни қуриш имкониятини беради.

Карантин чоралари саёҳат бозори ва ҳаво саёҳати саноатига салбий таъсир кўрсатди, бунинг натижасида онлайн сотувлар ва электрон тижоратнинг ролини оширди.

Албатта, рақамли трансформация автоматизация ва реал вақтда аналитикани оптималлаштиришдан тортиб, барча босқичларда юкларни кузатиб бориш қобилиятига қадар янги имкониятларни очмоқда. Таъминот занжиридаги юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни билмасдан, уларни олдини олиш ёки ҳал қилиш учун етарлича чоралар кўриш мумкин эмас. Узоқ муддатли истиқболда мослашувчанлик ва барқарорликни ошириш учун барча босқичларда шаффофликни

сезиларли даражада яхшилайдиган таъминот занжирининг янги технологиялари мавжуддир.

COVID-19 пандемиясига ўхшаш вазият учун таъминот занжирларини тайёрлаш ва ўзгартириш - тез ўзгарувчан бозор шароитлари, қатъий карантин чоралари ва давлат чегараларини ёпиш бўйича қарорлар жуда кўп вақт талаб қилиши мумкин. Шу билан бирга, таъминот занжирларини самарали мослаштириш учун қуйидаги босқичли ёндашувдан фойдаланиш мумкин:

1-босқич: таъминот занжирларини бошқариш бўйича тезкор штаб (марказ) ташкил этиш. Асосий вазифа - фавқулодда вазиятлар учун етказиб бериш занжирларини тайёрлаш бўйича ишларни ташкил этиш, трансформациянинг устувор ташаббусларини аниқлаш.

2-босқич: логистика ва таъминот функцияларининг амалдаги бизнес жараёнларини масофадан туриб ишлашга мослаштириш. Барча ички тасдиқлаш ва жараёнлари компаниянинг IT тизими орқали амалга оширилиши керак. Компания, шунингдек етказиб берувчилар билан ўзаро алоқада электрон ҳужжат айланишидан максимал даражада фойдаланишини йўлга қўйиш.

3-босқич: Таъминот занжирини "хариталаш" ва географик жиҳатдан ҳам, етказиб берувчилар томонидан ҳам энг заиф жойларни аниқлаш.

4-босқич: Таъминот занжирларининг стресс-синовларини ўтказиш ва стресс сценарийлари ёки вазият ёмонлашганда жавоб бериш учун ёндашувларни ишлаб чиқиш. Ушбу босқичда талабни башорат қилишдан таҳдидларнинг сценарий прогнозига ўтиш амалга оширилади.

5-босқич: Таъминот занжирини бошқариш бўйича янги ёндашувларнинг самарадорлигини кузатиб бориш ва зарур чора-тадбирларни ишлаб чиқиш.

Мазкур босқичлар ишлаб чиқарувчиларга келажакдаги муаммолар ва инқирозлардан қатъи назар, истеъмолчиларга озиқ-овқат маҳсулотларини хавфсиз, самарали ва арзон нархларда етказиб беришни давом эттиришга имкон яратади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 1 майдаги "Коронавирус пандемияси даврида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш, қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4700-сон қарори. Режим доступа: [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

2. Бюллетень Ситуация на продовольственном рынке Европы и Центральной Азии и политика реагирования на пандемию COVID-19. 2020. Выпуск 2. Рим, С-2.

3. Крылатков П.П., Прилуцкаялар М.А. Управление цепью поставок. Учебное пособие. Екатеринбург-2018, 3 с.
4. Трифунтов А.Н., Маргунова В.И. Управления цепями поставок: учеб. пособие Минск : Вышэйшая школа, 2018, 5 с.
5. May M. Supply Chain Management in agriculture – including economics aspects like responsibility and transparency. Article. Spain-2002, P-15.
6. Толипова Б. Covid-19 пандемия шароитида озиқ-овқат саноати учун инвестициянинг зарурати (Ўзбекистон мисолида). Мақола. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” Илмий электрон журнал. № 2, март-апрел, 2020 йил, 86-Б.
7. Мухитдинов Ш.З. (2019) Пути совершенствования механизмов эффективного управления многопрофильными фермерскими хозяйствами в Узбекистане. In Формирование инновационной экономики будущего (pp. 54-58).

*И.К. Жўраев, илмий раҳбар Н.М. Махмудов*  
Наманган муҳандисликтехнология институти  
Тошкент давлат иқтисодиёт университети  
Наманган, Ўзбекистон  
*ilhomjonjurayev@mail.ru*

## **ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ТИКУВТРИКОТАЖ САНОАТИНИНГ ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

**Аннотация.** Мақолада тўқимачилик ва тикувтрикотаж тармоқларида амалга оширилаётган ислохотлар ва таркибий ўзгаришлар тўғрисида, шунингдек, тўқимачилик ва тикувтрикотаж корхоналарида ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш орқали экспорт салоҳиятини ошириш масалалари кўрилган.

**Калит сўзлар:** тўқимачилик ва тикувтрикотаж саноати, ишлаб чиқариш қуввати, рақобатбардошлик, инвестиция, экспорт, экспорт салоҳияти, тўқимачилик маҳсулотлари.

*И.К. Жўраев, научный руководитель Н.М. Махмудов*  
Наманганский инженерно-технологический институт  
Ташкентский государственный экономический университет  
Наманган, Узбекистан  
*ilhomjonjurayev@mail.ru*